Ушбу сонда:

2 *Бир хат изидан* ОДАМЛАР ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛАЙЛИК

3 *Ҳуқуқий маслаҳатхона* ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ПЕНСИЯГА ЧИҚИШ

4 «ОФАРИН»НИНГ ЯНГИ СОВРИНДОРЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 16 март, жума №40 (1054)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЯНА БИР СОҲАДА ИМПОРТЧИДАН ЭКСПОРТЧИГА АЙЛАНДИ

Баҳорги янгиланиш байрами - Наврўз арафасида пойтахтимизда улкан саноат мажмуи ишга тушди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясининг Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи фойдаланишга топширилди. 15 март куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ушбу мажмуага ташриф буюрди.



Илгари бу завод ўрнида вагонларни депо даражасида таъмирлайдиган мўъжазгина корхона бўлар эди. 1996 йили Ўзбекистон ҳукумати билан Японияниинг Ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида кредит битими имзоланди. Мазкур корхонани замонавийлаштириб, йўловчи вагонларни таъмирлаш заводига айлантириш мақсадида Японияндан 6,102 миллиард иен миқдорида кредит олинди. 1998 йили эълон қилинган тендер натижасида эса Японияниинг «Мерубени» корпорацияси бош пудратчи этиб танланди. Қисқа вақт давомида Германия, Япония, Нидерландия, Полша, Буюк Британия, Финляндия ва Канададан завонавий ускуналар, йигирма бешта вагон, эҳтиёт қисмлар келтирилди. Заводга ўрнатилган ускуналарнинг барчаси юқори технологияларга асосланган ҳолда ишлайди.

Заводда айни вақтда 800 киши меҳнат қилмоқда. 2002 йилда корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, ишчилар сони 1280 нафаргача етади. Ўшанда йилига 450 тагача вагонни ялпи таъмирлаш мумкин бўлади. Бу йил эса корхона ишчилари 200 дона вагонни таъмирлаш ниятида.

Президент Ислом Каримов янги мажмуа билан танишар экан, аввало, унинг нечоғли фойдалилиги, харажатларни қоплаш имкониятлари ҳақида мутасаддилар раҳбарларнинг фикри билан қизиқди. Қарийб 60 миллион АҚШ доллари сарфланган корхонанинг келажакда қарзни узиш ва фойда келтириш учун имкониятлари етарлими, деган ўринли савол туғилиши табиий. Дейлик, Ўзбекистонда тахминан 1100 дона вагон бор. Тўла қувват билан ишлаганда икки йилда мамлакатнинг завод хизматига эҳтиёжи тугайди. Таъмирланган вагон камида беш йилдан кейингина янги таъмирга муҳтож бўлади. Демак, хизматни экспорт қилиш, айниқса, қўшни давлатларда харидор топиш керак. Мутасадди раҳбарларнинг таъкидлашича, айни вақтда бу йўналишда фаол иш олиб борилмоқда. Заводда харидор топиш учун имконият катта. Зеро, Марказий Осиёда бошқа бундай корхона йўқ. Аниқроғи, Ўзбекистон вагон таъмирлаш борасида ўзига хос монополь давлатга айланди. Алоҳида таъкидлаш лозим бўлган яна бир муҳим гап шуки, илгари вагонларимиз 50-70 минг АҚШ доллари эвазига Россияда таъмирланар эди. Энди катта миқдордаги валюта ҳам тежаладиган бўлди.

Масаланинг бевосита молиявий томонига ўтсак, қарзни қайтаришда ҳам қулайлик мавжуд. Кредит имтиёзли бўлиб, 2006 йилдан бошлаб 20 йил давомида қайтарилади. Бу орада эса, корхона янги соҳаларни ўзлаштириши мумкин. Эҳтиёт қисмларнинг 25-30 фоизигина четдан келтирилади. Ишлаб чиқариш тўла маҳаллийлаштирилиши мумкин. Шунингдек, бу улкан мажмуада трамвай, троллейбус, автобус ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятлари ҳам йўқ эмас.

Президент Ислом Каримов янги заводнинг бўяш, ёғочни қайта ишлаш ва таъмирлаш цехларидаги иш жараёни билан танишди. Ишчилар билан суҳбатлашди. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси корхоналарида ишлаб чиқарилган эҳтиёт қисмлар кўргазмаси, янги таъмирланган вагонларни кўздан кечирди. Президент вагонларни қайта таъмирлашда ҳозирги кунда ғоят муҳим саналган дизайнга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди.

Таъкидланганидек, корхонанинг ўз фаолият кўламини кенгайтириш имкониятлари катта. Масалан, ёғочни қайта ишлаш цехида уй-рўзғор буюмлари, мебел ишлаб чиқариш мумкин. Аммо, давлатимиз раҳбарининг диққатини тортган масала, аввало, ишнинг сифати билан боғлиқ бўлди. Ислом Каримов бу ерда бажарилган ҳар бир иш сифат жиҳатидан замон талабларига тўла жавоб бера олиши лозимлигини таъкидлади, самарадорликни янада ошириш борасидаги таклифларини айтди.

Янги заводга ташриф чоғида Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан тайёрланган янги лойиҳалар билан ҳам танишди. Бу лойиҳалар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, Ўзбекистондаги темир йўл тармоқларини ривожлантириш ва бошқа муҳим тадбирларни ўз ичига олган. Мамлакатимиз раҳбари Ангрен-Поп йўналиши бўйича темир йўл қуриш, Тошкент-Самарқанд йўналишида тезюрар поезд қатновини ташкил этиш сингари қизиқарли лойиҳалар бўйича ўз фикрларини баён этди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодиётнинг яна бир муҳим соҳасини тўла ўзлаштиришга киришди. Бу ҳеч бир муболағасиз мамлакатимиз раҳбари узоқни кўзлаб юритаётган изчил сиёсатнинг самарасидир. Зеро, Ўзбекистонда хорижликлар билан кенг ҳамкорлик қилиш, тадбиркорлик, янгиланиш учун катта имкониятлар яратилган. Бундай омиллар, албатта, ўзининг яхши самарасини бермоқда. Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводининг қисқа муддатда қурилиб ишга туширилгани бу фикрнинг навбатдаги исботидир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Диққат: танлов

«КОНСТИТУЦИЯМИЗ - БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ»

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишида Конституциямизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини атрофлича ўрганиш, барча фуқаролар, хусусан ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш ҳуқуқий-демократик жамият барпо этишда ғоят катта аҳамиятга эга экани таъкидланди ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларнинг бутун бир мажмуи белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, республика Бадиий академияси ушбу Фармойишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш Дастурини яратиш ва махсус ўқув курсини ишлаб чиқиш бўйича комиссиянинг қарорини изчил бажариш юзасидан «Конституциямиз - бахтимиз пойдевори» шиори остида Бош Қомусимиз мазмун-моҳияти, асосий ғоя ва тушунчаларини тасвирий воситалар орқали ёритиш ва безаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўртасида икки босқичда - вилоят ҳамда Республика кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди. Танлов олий таълим ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида алоҳида-алоҳида ўтказилади.

Кўрик-танловни ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш Низомда кўрсатилганидек, минтақаларо босқичма- босқич амалга оширилади. Танлов ғолибларини қуйидаги мукофотлар кутади:

Олий таълим муассасалари учун:
биринчи ўрин учун - 3 миллион сўм
иккинчи ўрин учун - 2 миллион сўм
учинчи ўрин учун - 1 миллион сўм

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари учун:
биринчи ўрин учун - 1,5 миллион сўм
иккинчи ўрин учун - 1 миллион сўм
учинчи ўрин учун - 500 минг сўм

«Конституциямиз - бахтимиз пойдевори» кўрик-танловининг якунловчи босқичи Ўзбекистон Республикаси Конституция байрами арафасида Тошкент шаҳрида тантанали равишда ўтказилади.

Шунингдек, шу номдаги кўрик-танлов Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Бадиий Академия ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази томонидан республикамиз мактаблари ва маҳаллаларида ҳам ўтказилади.

Апрел ойида бошланадиган танлов Конституция байрами арафасида якунланади.

Ўқувчиларнинг Конституция моҳиятини энг яхши тарзда ифодалаган баён ва иншолари, Асосий Қомусимизнинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи расмлар, плакатлар, фотосуратлар ва чизмалари учун ғолиб чиққан мактаб жамоасига 12 миллион сўмлик замонавий IBM русумли компьютер синф-мажмуи тақдим этилади.

Давлат рамзлари, Она-Ватан тимсоллари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати бўлмиш Конституция тарғиботида энг яхши натижаларга эришган маҳаллага эса Республика «Маҳалла» жамғармасининг қимматбаҳо совринлари топширилади.

Шунингдек, Бадиий Академия ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳам ғолибларга махсус мукофотлар тақдим этади.

Кўрик-танлов билан боғлиқ масалаларда «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг республика, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳри бўлимларига мурожаат қилиш мумкин.

(ЎзА).

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Тошкентдаги «Дийдор» масъулияти чекланган жамиятнинг кўргазмалар залида уч авлод вакиллари — Людвига Черникова, қизи Лариса Черникова ва невараси Янина Гумироваларнинг ранг-тасвир, графика, каштачилик услубидаги асарлари кўргазмаси очилди.

— Бугунги кўргазмамиз баҳор тимсоли бўлган аёлларимизга, уйғониш ва гўзаллик айёми — Наврўзга бағишланган, — деди Лариса Черникова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Унда онам Людвига Черникова ҳамда қизим Яниналарнинг аёл, баҳор ва гуллар мавзуидаги қатор асарлари намойиш этилмоқда. Бир сўз билан айтганда бу — уч авлод вакилларининг ўзига хос санъат асарлари кўргазмаси. Картиналаримиз томошабинларни сеҳрли оламга олиб кира олса бошимиз кўкка етарди, деди у.

Кўргазмада асосан Лариса Черниковaнинг ижод намуналари намойиш қилинган. У Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмаси томонидан ўтказиладиган Мустақиллик ва Наврўз байрамларига бағишланган республика ёш мусаввирлар кўргазмаларида мунтазам қатнашиб келади. 1992 йили Анимация маҳорати курсларини тугатган ёш ижодкор «Ўзбекфильм» киностудиясининг мультипликацион фильмлар бирлашмасида рассом-мультипликатор бўлиб ишлайди. Айни пайтда эса матбаа дизайни ва компьютер анимацияси ҳамда станокли графика ва ранг-тасвир билан шуғулланади. Рассомнинг кўргазмага қўйилган «Ҳаёт дарахти», «Шохи-Зинда», «Гуллар», «Она», «Айдар кўл», «Кўзи ожизлар мачити» каби картиналари, флористика услубида ишланган асарлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг барчасида мўйқалам соҳибасининг ички дунёси, нафис ўй-фикрлари ўз ифодасини топган. Мусаввирнинг ўзига хос ижодий услуби унга нафосат қирраларини чуқур ҳис этиб, тўлақонли тасвирлаш имконини берган. Л.Черниковaнинг асарлари муҳаббат, садоқат, қувонч ва қайғу каби инсоний хусусиятларни ўзида мужассамлаштирганини кўриш мумкин.

Қатор картиналарда эса анъанавий усуллар компьютер графикаси воситалари билан уйғунлашиб кетган.

НАВРУЗ НАФАСИ

Нишон агроиқтисодиёт коллежи вилоят ўрта махсус ўқув юртлари ўртасида кенг имкониятларга эга бўлган билим масканларидан ҳисобланади. Унда кундузги ва сиртқи бўлимда мингга яқин талаба таҳсил олади. Беш мутахассислик бўйича билим олаётган ёшлар ўқишдан ташқари пайтда яратувчилик, ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этадилар.

Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда қизғин давом этаётган «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»да толиби илмлар ҳам ибратли ишларни амалга ошираётир.

Биз борган кун Асадулла Омонов раҳбарлик қилаётган молия ва кредит гуруҳи йигит-қизлари клуб атрофига турли гул ва дарахт кўчатлари ўтқазишаётган эди. Улар ҳозиргача 400 тупдан зиёд ниҳол экишибди. Зоҳид Ботиров, Нилуфар Кенжаева, Фахриддин Қиёмов, Бобомурод Фармонов сингари серғайрат ёшлар бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

— Талабаларимиз ҳар йили кўкаламзорлаштириш мавсумида фаол иштирок этиб, туманимизни боғ-роғга айлантириш ишига муносиб улуш қўшиб келмоқдалар, — дейди коллеж директори Озод Асадов. — Айни пайтда билим юрти ҳудудида 50 минг тупдан зиёд мевали дарахтлар мавжуд. Боғ ушбу зиё масканида билим олаётганлар қўли билан яратилди.

Дарвоқе, коллеж ҳудудига кириб боришингиз билан мусаффо ҳаводан дилингиз яйрайди. Уни шу ҳолга келтирганларга раҳматлар айтасиз. Ободонлаштириш ойлигида коллеж талабалари камида 8 минг туп турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиш ниятидалар. Демак, келажакда мазкур боғ янада кенгайиб кўркамлашади. Яхшидан боғ қолади, деб шунга айтадилар-да.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

500 МИНГ ТУП НИҲОЛ ЎТҚАЗИЛДИ

Ўрта Чирчиқ туманида Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш учун бошланган ҳаракат оммавий ҳашарга айланиб кетди. Ҳамма жойда - корхоналар, хўжаликларда ободончилик ишлари авжига чиқаётир. Меҳнаткашлар ўз ҳудудларида чиқиндиларни тозалаш, дарахтларга шакл бериш, қуриганларини кесиб, ўрнига кўчатлар ўтқазиш ишларини ниҳоясига етказмоқдалар.

Бу борада тумандаги 73 та мактаб ўқувчиларининг олиб бораётган ишлари ибратлидир. «Ҳар бир ўқувчи 20 тупдан терак ўтқазади ва парвариш қилади». Ана шундай шиор билан иш бошлаган ўқувчи-ёшлар ҳозиргача 500 минг туп терак қаламчаларини йўл ва йўлка ёқаларига, ариқ-зовурлар бўйларига ўтқазиб бўлдилар. Наврўз байрами кунигача улар яна 200 минг туп терак қаламчаларини ўтқазиш ва келгусида ниҳолларни ўзлари парвариш қилиш ташаббусини кўтариб чиқдилар.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

МЕҲНАТ БОЗОРИ САМАРАСИ

Аҳолини иш билан таъминлашда меҳнат бозорлари ташкил этишнинг аҳамияти катта. Аммо уларни фақат марказда эмас, ҳудудлар бўйича ўтказиш кўпроқ самара беради. Оққўрғон тумани меҳнат бўлими Олимкент қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этган меҳнат бозори иш берувчи ва ишга ёлланувчиларнинг кўпчилигини мамнун этди.

Мазкур меҳнат бозорида ён-атрофдаги еттита корхона ва хўжалик бўш иш ўринларини таклиф этди. Натижада иш сўраб мурожаат қилган юзга яқин фуқаронинг салкам ярми ўзига муносиб иш топди. Уларнинг бир қисми эса бундан буён ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинадиган бўлди. Улар ҳозирча ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан шуғулланади. Шартномага мувофиқ, иш ҳақининг 75 фоизини меҳнат бўлими, 25 фоизини қишлоқ фуқаролар йиғини тўлайди.

Шу куни иш сўраб мурожаат қилган кўпгина ўсмирлар ҳам ноумид қайтмади. Уларнинг ўн икки нафари касбга ўқитишга - «Маданият» ширкат хўжалигида янги очилган механизаторлик қисқа курсига жалб этилди.

- Туманимизда тракторчиларга ҳам талаб катта, - дейди меҳнат бўлими бошлиғи Олимжон Мусабоев. - Хўжаликлардан бизга тушаётган буюртмаларга қараганда, ҳозирги кунда бундай касб эгаларидан камида уч юз нафар керак. Шу мақсадда «Маданият» ширкат хўжалигида тўрт ойлик механизаторлар тайёрлаш курси ташкил этган эдик. Олимкентда ўтказилган тадбирнинг ўзидаёқ унинг дастлабки тингловчиларини тўплаб олдик.

Меҳнат бўлими айни кунларда меҳнат бозорини туманнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказишни режалаштирмоқда.

(ЎзА).

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

I. ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕҲНАТ ШАРОИТИ

уни яхшилаш, муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари

Республикамиз ўз мустақиллиги йилларида ҳуқуқий давлат ва демократик жамият қуриш йўлида шаҳдам одим ташлади. Бошқа қувончли ўзгаришлар қатори касаба уюшмалари ҳаракати ўз аъзоларининг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишда сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилди. Қувончлиси шуки, ўзаро ҳамкору-ҳамжиҳатликда амалга оширилаётган саъй-ҳаракат туфайли ишловчи хотин-қизлар манфаатини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида муайян ютуқларга эришилди.

Бироқ, касаба уюшмалари фаолиятига шу кун талаблари нуқтаи назаридан қаралса муҳим ишдаги етилган муаммолар, баъзи бир камчиликлар яққолроқ кўзга ташланади. Зеро, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг мажлисида улар ҳақида атрофлича гап борди. Федерация кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Д.Жаҳонгирова республика касаба уюшмаларининг меҳнат муносабатлари соҳасида аёллар ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишдаги вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Анжуман кун тартибидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Махситов, республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирининг ўринбосари А.Акбаров, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республика қўмитаси раиси Р.Абдурахманов, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили котибиятининг бошлиғи М.Усманов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Ш.Эсонбоев, Сирдарё давлат иссиқлик энергетика станцияси касаба уюшма қўмитаси раиси Г.Краснова сўзга чиқиб, қимматли таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Хотин-қизлар ҳаётимиз файзи, меҳр-шафқат, вафо ва садоқат тимсолидир. Улар юртимиз равнақи йўлида улуғвор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Республикамиз Президенти раҳнамолигида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар шарофати ила аёлларимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиб бериш борасида кўпгина ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Муҳими, бу масалага жамиятимизнинг эътибори тобора ошиб бормоқда.

Равшанки, бозор шароитида хотин-қизлар меҳнат шароитини яхшилаш, уни муҳофаза қилиш энг долзарб вазифалардандир. Ҳозирги кунда мамлакатимиз корхоналари, хўжалик ва ташкилотларида аёллар катта куч ҳисобланади. Лўнда ифодалаганда, ўрта ҳисобда рўйхатдаги ходимлар сонининг 45 фоиздан кўпроғи хотин-қизлардир. Бизда оналар, ишловчи аёлларни ижтимоий ҳимоялашнинг ҳуқуқий кафолати яратилган. Улар Президент Фармонлари, Меҳнат Кодекси билан мустаҳкамланган. Шуни айтиш кифояки, бугунга келиб умри азизларнинг оғир юкларни қўлда кўтариш, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш меъёрлари қайтадан кўриб чиқилган. Хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланган шароити ноқулай ишлар рўйхати тасдиқланган, ҳомиладор ва ёш болали аёлларнинг мустаҳкам ижтимоий ҳимояси таъминланган.

— Ушбу меъёрлар, - дея таъкидлади маърузачи, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова, - давлат органлари, хўжалик раҳбарлари ҳамда жамоат ташкилотларининг диққат-эътиборини бир муаммога — хотин-қизларга қулай ва хавф-хатарсиз меҳнат шароитини яратиб бериш, ишлаётган ҳаётимиз гулларига меҳнат фаолияти билан оналикни қўшиб олиб бориш учун имконият яратиш, оналик-болаликни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга қаратмоқда. Афсуски, бу борадаги фаолиятда ҳали қатор камчиликлар, етимини кутаётган муаммолар мавжуд. Жумладан, канопни дастлабки қайта ишлаш корхоналари, полиграфия, кимё, тиббиёт муассасаларининг баъзиларида маъмурият ҳамда касаба уюшмалари қўмиталари ҳукумат қарорини бажаришда сусткашликка йўл қўймоқдалар. Омма ўртасида тушунтириш ишлари кўнгилдагидек олиб борилмаяпти.

Чиндан ҳам таҳлиллар шуни кўрсатадики, мутасаддилар томонидан қўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, ҳали талайгина корхоналарда хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилишнинг аҳволи меъёрий талабларга жавоб бермайди. Бу ўзининг салбий натижасини кўрсатмоқда. Биргина саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳасида 42 минг нафардан кўп хотин-қиз ноқулай шароитда фаолият юритаётганлиги энг аввало касаба уюшма вакилларини ташвишлантирмоғи лозим.

Бозор талаби қатъий. Давр омилкорлик, қатъиятлик ва ташаббус кўрсатиб ишлашга ундамоқда. Фидокор аёлларимиз микро ва кичик корхоналарда ишлашяпти, касаначилик каби ишлар билан таъминланишмоқда. Бинобарин, касаба уюшмаларининг ҳозирги босқичдаги энг муҳим вазифаларидан бири кичик бизнес соҳасида кўплаб иш жойлари яратилишига кўмаклашишдир.

Маърузачи ҳамда анжуманда сўзга чиққан нотиқлар қисқа муддатли меҳнат шартномаларини қўллаш масаласига ҳам алоҳида эътиборни қаратдилар. Кейинги пайтларда корхоналар, муассасалар, ташкилотларда номуайян муддатли меҳнат шартномалари (доимий иш) ўрнига қисқа муддатли меҳнат шартномалари, шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий характердаги шартномалар (пудрат, хизмат кўрсатиш ва ҳоказо) қўлланила бошлади. Бундай амалиёт ходимлар ва албатта хотин-қизлар олдидаги муаммоларни кўпайтиради. Асосий ўйлантирадиган томони шундаки, ходимларнинг республика Конституцияси томонидан, инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида халқаро нормалар томонидан эътироф этилган касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларининг амалга ошишига тўсқинлик қилади, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари касаба уюшмалари томонидан ҳимоя қилинишидан маҳрум этади.

Мазкур долзарб масалани ўрганиш давомида номуайян муддатга тузилган шартномалар бўйича ишлаётган ходимларни мажбуран уч ойдан бир йилгача тузилган муайян муддатли шартномага ўтказиш (Наманган вилоятидаги «Косонсой тўқимачи» қўшма корхонаси), таътиллар муддатининг қисқартирилиши, ишлаб чиқаришда шикастланганлари учун тўланадиган товон миқдорининг камайтирилиши («Фарғонавилоятгаз», Шаҳрихон тумани марказий касалхонаси, Андижон вилоятидаги «Тепловоз депоси»), қонунда белгиланган ижтимоий кафолатларга риоя қилинмай, шартноманинг бекор қилинишига (Тошкентдаги 3-трамвай-троллейбус депоси, Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик акциядорлик жамияти) оид кўплаб нохуш ҳодисалар аниқланди. Ваҳоланки, шартномаларда уни қуйидаги ҳолларда бекор қилиш кўзда тутилганди: ходим хизмат сафарига боришдан, кечки вақт ва тунда ишлашдан бош тортса (Қобул тўқимачи қўшма корхонаси), ташкилотда айланма маблағларнинг йўқлиги, электр қувватининг берилмаслиги ва бошқа қонунга зид шарт-шароитлар бўлмаган тақдирда. Холбуки, меҳнат тўғрисидаги қонунларимиз номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномалари, контрактлар, яъни доимий иш тўғрисида тузилган, қонунда қатъий эслатиб ўтилган асосларга кўра бекор қилинадиган шартнома, контрактларни афзал кўради.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,
Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» махсус мухбирлари.

Сўз — анжуман қатнашчиларига

БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Қозоқбой КОЖАНИЯЗОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Маълумки, мактаб ва боғчаларда меҳнат қилувчиларнинг асосий қисми аёллардир. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш биз кўзлаган келажакни яратишнинг муҳим омилидир. Зиё тарқатувчи деган ном жуда мўътабар. Чунки ёшларни маънавияти бой, дунёқараши кенг, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш кўп жиҳатдан ўқитувчининг касбига фидойилигига, билимига боғлиқ. Педагог вазифасини сидқидил адо этиши учун эса кучли ижтимоий ҳимояга олинган бўлиши лозим.

Аёлларга эътибор, ғамхўрлик йилдан йилга кучаймоқда. Жумладан, 2001 йил «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилинди. «Она ва бола» давлат дастури ишлаб чиқилди. Шулардан келиб чиқиб қўмитамиз ўз ҳаракат дастурини белгилаб жамоа шартномалари ижросини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Шаҳримизда ҳозирги пайтда 43 та мактаб, 48 та боғча ва 11 та мактабдан ташқари муассаса фаолият кўрсатаётир. Уларнинг баъзилари шаҳар марказида жойлашган бўлса, кўплари узоқ-яқин қишлоқлардадир. Шу боис, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, халқ таълими ходимларига, айниқса, аёл ўқитувчиларга қулай иш шароитлари барпо этишга ҳаракат қиляпмиз.

Масалан, бизда энг чекка қишлоқда бир мактаб бор. У томонларга энди газ қувурлари тортиляпти. Ўқитувчиларга моддий ёрдам бўлсин деб қишга етарли миқдорда бепул кўмир билан таъминлаб келинмоқда.

Шунингдек, биз ўқитувчи ҳақ-ҳуқуқи, унга давлатимиз томонидан берилган имтиёзларни тушунтириб, тарғиб этишга катта аҳамият беряпмиз. Натижада тузукроқ ойликни кўзлаб бошқа соҳага ўтиб кетган зиёли аёллар яна билим даргоҳига қайта бошлашди.

Мажлисда қатнашиш менга кўп нарса берди. Педагоглар ҳуқуқини ҳимоя қилишда, яхши иш шароити яратишда, уларни соғломлаштириш, фарзандларини ёзги таътилда кўнгилли дам олдиришда у бизга дастуриламал бўлади.



Ибодулла ИБОДУЛЛАЕВ,
Қарши пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти аъзоси, ишчи:

Анжуманда муаммолар, камчиликлар рўйрост айтилди. Дарҳақиқат, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, баъзи корхоналарда хотин-қизлар оғир жисмоний ишни бажаришади. Уларнинг ҳурматини жойига қўйишимиз, эъзозлашимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Тўғри, пахта тозалаш заводларида бошқа корхоналарга қараганда чангланиш бирмунча юқори. Бунга ҳарорат, намлик, шовқиннинг баландлиги қўшилса, кечагина ишга келган ёшлар, айниқса, хотин-қизлар учун бирмунча қийинчилик туғилади.

Тўғри, бизда бошқа ишхоналарга нисбатан ойлик бирмунча юқори. Байрамларда совғалар, пул мукофотлари берилади. Лекин ҳеч қандай мукофот аёл, яъни она соғлиғи ўрнини боса олмайди. Айтмоқчиманки, аввало хотин-қизларга мос енгил, қулай иш жойлари яратиш зарур. Иккинчидан, ишлаб чиқаришдаги баъзи жараёнлар туфайли, қолаверса, корхонага кўникиб, шу ерда ишлашни давом эттиришни маъқул топувчи аёллар барибир бўлади. Уларга эса қўшимча имтиёзлар бериш керак.

Юқоридаги мулоҳазаларим бизнинг жамоада меҳнат қилиш ва кўнгилдагидек дам олиш яхши ташкил этилмаган экан, дегани эмас. Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлигида сўнгги вақтларда қатор тадбирлар амалга оширилди. Масалан, ишчи-хизматчилар бепул даволанадиган кундузги профилакторий, тиббий пункт ишлаб турибди. Цехларда дам олиш хоналари мавжуд. Хоҳлаган пайтда чойхонага кириб, бир пиёла чой ичиб, нафас ростлайсиз. Харажати корхона ҳисобидан. Махсус дўкондан харидор истаган маҳсулотини топади. Касаба уюшма қўмитаси ёрдамида навбати билан сиҳатгоҳларда даволанамиз.

Манзура ОРТИҚОВА,
Ёзёвон туман «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси:

— 2001 йилни «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилиниши биринчидан, менга шодлик бахш этса, иккинчидан, масъулият юклади. Қувонганим сабаби, миллатимиз келажагига ғамхўрликнинг йилдан йил кучайтирилаётганидир. Масъулият эса касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида мени жамоамизда меҳнат қилаётган аёлларни, демакки, уларнинг фарзандларини ҳам ижтимоий ҳимоялаш, иш шароитларини яхшилашга ташаббус кўрсатиб, ғайрат билан ишлашга даъват этди.

Мажлисда кишини ўйлашга, зарур чоратадбирлар кўришга ундайдиган юракдаги гаплар айтилди. Гоҳо шундай вазият бўладики, аёл белгиланган меъёрдан ортиқ юкни ташишига тўғри келади. Чунки кутишга вақт йўқ. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш керак. Хотин-қизларга яхши иш шароити яратиш деганда, масаланинг шу томонларини ҳам ўйлашимиз, чорасини топишимиз зарур.

Имкониятдан келиб чиқиб опа-сингилларимиз меҳнатини енгиллатишга ҳаракат қиляпмиз. Уларнинг ҳафталик иш вақти бир соатга қисқартирилган. Навбати билан сиҳатгоҳларда бепул даволанадилар. Фарзандлари оромгоҳларда бепул дам оладилар. Бари харажат жамият бошқаруви ҳамда касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан қопланади.

Шунингдек, жамоамиздаги тўрт ва ундан кўп боласи бор оналар ойлигига муайян фоиз қўшиб берилади. Уларнинг йиллик таътили тўрт кунга узайтирилган. Тўй, маъракалар учун бир окладдан ёрдам пули ажратилади. Байрамларда совға-саломлар улашилади. Мақсадимиз, ишда меҳнаткаш, оилада оқила опа-сингилларимиз оғирини енгил қилиб, лабларида табассум кўрсак, биз учун энг катта мукофот шу.

ФОТОАЙБНОМА

Халқимиз «олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деб бекорга айтмайди. Чунки, биз оқар сувга ҳамма вақт ҳам эътибор беравермаймиз. Шу сингари, кимдир шароитнинг йўқлигидан нолиса, яна кимдир яратилган имкониятдан фойдаланишни билмайди.

Жиззах вилояти Жиззах шаҳрига кираверишда ҳайҳотдек «Осиё карвон - сарой» бозорига кўзингиз тушади. Бироқ, суқланиб қараётган йўловчилар бу кўркли бозордан кўпам хурсанд эмас. Нега дейсизми? Чунки, бу кун ўзи бозору, аммо кимсасиз хувуллаб ётган «муҳташам бинолар»ни кўриб ачинасиз.

Келинг, бу бозорнинг бунёд этилиши ҳақида бироз тўхталайлик. Ушбу бозор 1997 йил 18 сентябрда ишга туширилган. У Катта ўзбек тракти билан «Тошкент-Термиз» автомобил йўллари кесишмасида 50 гектар майдонни ўз ичига олади. Унинг 13 гектарида савдо дўконлари барпо этилган. Унда ҳар бири 102 ўринли 17 та савдо павильони ва 86 та шахсий дўкон мавжуд. Кисловодск модели бўйича қурилган мазкур савдо мажмуига 224 миллион сўм маблағ сарфланган. Шундан 186 миллион сўми давлат ҳисобидан, 48 миллион сўми эса шахсий ва идоралар маблағидир. Буни қарангки, шунча маблағ сарфланган «Осиё карвон - сарой» бозори атиги икки ойгина ишлар-ишламас фаолиятдан тўхтаса?!

Қисқаси, ўзининг «салобати» билан йўловчиларнинг диққатини тортаётган бу бозор ҳақида обдон ўйлаб кўриш вақти келди.

Суратларда: бозорнинг хувуллаган савдо павильонлари.

Б.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Бир хат изидан

ОДАМЛАР ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛАЙЛИК

Жорий йилнинг 15-февралида таҳририятимизга газеткорлардан 32 та мактуб келди. Бу бошқа кунларга нисбатан бирмунча кўпроқ эди. Сабабини ҳамма орзиқиб кутган фасллар келинчаги - баҳор айёмининг кириб келиши ва республикамиз ҳукуматининг Наврўз байрамини кутиб олиш юзасидан қабул қилган Қарори шарофати деб билдик. Чунки, ушбу Қарор муносабати билан жойларда катта ташкилотчилик, ободончилик ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари бошланиб кетди.

Мактублар орасидаги хатлардан бирини беэътибор, беҳаяжон, изтиробга тушмасдан ўқиш мумкин эмасди. Шайхонтоҳур тумани А.Холиқов кўчаси, 43-уйда яшовчи II гуруҳ ногирони Аҳрол Ибрагимов ўз мактубида қуйидагиларни маълум қилганди:

«Мен 1985 йилда «Чирчиқкимёқурилиш» корхонасида иш жараёнида бир оёғимдан ажралиб, ногирон бўлиб қолдим. Аввалари нафақа пулимни почта орқали олиб турдим. Кейинги йилларда эса на қонуний ҳақимни ва на бирон сабаби кўрсатилган бир энлик хатни олмадим. 1999 йил учун тўлов пулини ўтган йилнинг апрел ойида беш-олти маротаба Чирчиққа қатнаганимдан сўнггина олишга муваффақ бўлдим. Йўлкирага эса бир ойлик миқдоридаги пулни сарфлашга тўғри келди. 2000 йил учун эса ҳозирча бир сўм ҳам олмадим. Айтишларича, мен илгари ишлаган корхона банкротга учраган, шу сабабли ҳақимни тўлашмаётган экан. Ахир, мазкур корхона тугатилган бўлсада унинг вазифа, мажбуриятлари ворис ташкилотга ўтиши керак эмасми?!

Таҳририятдан ана шу муаммони ҳал этишда яқиндан ёрдам беришни сўрайман...».

Мактуб билан танишиш асноси ўзимизни хат муаллифи ўрнига қўйиб кўрдик. Қўлтиқтаёқда бир неча марта Чирчиққа қатнаш ва ҳар гал умидсизликка тушиб қайтиш, қонун у томонда бўлса-ю, ногирон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиши, суяши, агар зарур бўлса, ҳолидан хабар олиб туриши лозим бўлган корхона мутасаддилари бор отангга - бор онангга қабилида иш тутишса, буни қандай изоҳлаш мумкин?

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Ш.Ёқубовга юқоридаги мулоҳазамизни билдирганимизда, у масала моҳиятига тезда тегишли баҳо берди ва ўринбосари М.Петросянца мутасадди ташкилотлар билан боғланиб, жумбоқли масала ўзининг ижобий ечимини топмагунча хатни назоратдан чиқармасликни тайинлади.

Фуқаро дардига малҳам топиш иштиёқида қилинган саъй-ҳаракат биз ўйлагандан кўра тезроқ суръатда давом этди. Ҳаммаси кўз ўнгимизда содир бўлаётганди. Қўмитанинг масъул ходими газеткхон хати юзасидан амалга оширилаётган тадбир ва кўрилиши назарда тутилаётган чоралар хусусида деярли ҳар куни таҳририятни хабардор қилиб турди. Ниҳоят, мактуб келганининг саккизинчи куни қўмита А.Ибрагимовга билан жамланма бошлиғи К.Қурбонов, бош ҳисобчиси Р.Нажмитдинова зиммаларига бундан буён нафақа пулларини ойма-ой узлуксиз почта орқали А.Ибрагимов яшаш манзилига юбориб туриш вазифаси юкланди.

Қаранг, беш бармоқ баробар бўлмаганидек, одамлар ҳам ҳар хил бўлар экан. Бирлари нажот сўраётган фуқаронинг мушкулини тезроқ осон қилиб, унинг дуосини олишга интилса, бошқалари пинакларини бузмай, собиқ жамоа аъзоси қисматига бефарқ қараб, ўз жонким - ўз ҳузурим қабилида иш тутишаркан. Яхшиямки, орамизда эзгу ишларсиз ўз ҳаётини тасаввур этолмайдиган жонкуяр, саховатли кишилар кўп. Уларнинг эса мақсадлари битта, яъни қўшиқда айтилганидек:

Одам бўлиб келдик,
одам бўлайлик,
Одамлар дардига
малҳам бўлайлик.

Абдунаби МАННОПОВ.

ЎЗБЕК-ГЕРМАН ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА

Аҳолига хизмат кўрсатиш турлари бўйича малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш билан қатор ўқув юртлари шуғулланмоқда. Қўйлиқ касб-ҳунар коллежи ҳам бу борада маълум тажриба орттириб, халқ хўжалиги ривожига муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Халқ хўжалиги ўзига хос кичик мутахассисларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида билим даргоҳида умумий овқатланиш корхоналарининг кичик технологлари, тикувчилик ишлаб чиқариш усталарини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Коллежда таълимий ўқув дастурини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбек-Герман лойиҳасига амал қилинмоқда. Бунинг натижасида молиявий хўжалик фаолиятининг бўлажак мутахассисларини ҳам ўқитишга киришилди.

Эндиликда Ўзбек-Герман лойиҳаси бўйича ёқилғи қуйиш шоҳобчалари операторларини тайёрлаш тадбирлари кўрилмоқда.

Янги 2001-2002 ўқув йилидан эътиборан коллежда «В.С» тоифаси бўйича ҳайдовчилар тайёрлаш ўқув дастурига киритилади. Шу мақсадда ишлаб чиқариш таълими учун мустаҳкам негиз яратилади.

А.АЛИЕВ.

Боболар, момолар ёшларни ҳар гал дуо қилганларида, жумладан, «етти мучанг соғ бўлсин, асло дард кўрмагин, болам» деган сўзларни ҳам албатта қўшиб айтадилар. Бу сўзларда маъно кўп. Инсон улуғ мақсадларига эришиши учун аввало соғлом ва бақувват бўлиши даркор.

Меҳнат муҳофазаси

ЖАРОҲАТЛАНИШ САБАБИ БЕПАРВОЛИКДАМИ?

Кўнгилсиз ҳодисалар қайтарилмаслиги учун нима қилиш керак?

Мавзуни юқоридаги гаплардан бежиз бошламадик. Онгли ҳаётимизнинг асосий қисми меҳнат билан ўтар экан, унинг муҳофазасига ҳам доим жиддий эътибор беришимиз шарт. Акс ҳолда кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқиши мумкин.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Тошкент темир йўл дирекциясида ўтган йили меҳнатни муҳофазалаш мақсадида бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтиш ва асфальт йўллар таъмирланди, тўхташ жойларига қўшимча ёритиш мосламалари ўрнатилди, Жалойир темир йўл бекатида сув таъминоти тизими яхшиланди. Пахтакор, Дўстлик темир йўл бекатлари ва 10-разъезд бинолари бугунги кун талаблари даражасига келтирилди ва жиҳозланди. Барча бекатлардаги митти дорихоналар биринчи тиббий ёрдамда керак бўладиган дори-дармонлар билан таъминланди.

Бундай кўзга кўринарли юмушлар бошқа дирекцияларда ҳам бажарилди. Йилнинг ҳар чорагида деполар ва корхоналар бош муҳандислари, меҳнатни муҳофазалаш бўйича мутахассислари, бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари билан семинар-кенгашлар ўтказиляпти. Жамоаларда ишларнинг бориши ҳар ойда муҳокама этилиб, воқеалар тафсилоти, сабаблари таҳлил этиляпти.

Афсуски, шунга қарамай, нохуш ҳодисалар рўй берди. Бу тур темир йўл корхоналарида 44 та ишлаб чиқариш жароҳатланиши қайд этилди. Хўш, нима сабабдан шундай кўнгилсизликларга йўл қўйилди? Тадбирлар фақат қоғозда бажарилганиданми ёки уларнинг адо этилиши устидан назоратнинг сустлигиданми? Наҳотки, лоқайдлигимиз, бепарволигимиздан ўзимиз, бошқалар жабр кўриши мумкинлигини ўйламасак?!

Ҳаммамизга яхши маълум, шу йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акцияларини ташкилий чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясини очиқ ҳиссадорлик жамиятига айлантириш кўзда тутилган. Бундан кўзланган мақсад, йўловчиларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, тармоқни ҳар томонлама ривожлантиришдир. Бу соҳа ходимлари олдига улкан масъулият юклайди. Вазифа — ишни замон талаблари асосида ташкил этиш экан, биринчи навбатда инсон хавфсиз шароитда меҳнат қилишига шарт-шароит яратишни ўйлаш керак.

Бу ҳақда гап кетса, ишларни яхшилаймиз, камчиликлар такрорланмайди, дейишнинг ўзи кифоя қилмайди. Меҳнат муҳофазасига 2001 йилга ажратилган ва сарфланажак фалон миллион сўмнинг нафи кўринмайди. Бу сўзларни куюниб таъкидлаётганимиз боиси, ўтган йилги ўлим билан тугаган ва бошқа ҳодисаларнинг амалдаги йилда ҳам олдини олишга муваффақ бўлинмаётганидир. Шу йилнинг 1 февралида 2-вагон депосида бир инсон ўлим билан тугаган ҳалокатга учради.

Корхонада бирон нохуш ҳодиса содир бўлса, ишчига озор етса, бошлиқдан тортиб ўрта бўғин раҳбаригача — бари жавобгар ҳисобланади. Буни ҳамма яхши билади. Аммо, бўлар иш бўлиб фожеа тафсилотлари, сабаблари суриштирилганда, ҳеч ким ўзини айбдор ҳисобламайди, албатта. Раҳбардан тортиб бригада бошлиғигача таъминот, ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлганликларини, ишчилардан бир вақтнинг ўзида баравар хабар олиб туришга имконлари йўқлигини изоҳлашади. Лекин ишлаб чиқаришдан озод этилган хавфсизлик техникаси бўйича муҳандислар бор-ку! Нега уларнинг кўпи ўз устида астойдил ишламайди, изланмайди? Таклифлари билан раҳбарларга мурожаат этишмайди? Нима, уларнинг вазифаси фақат юқоридан тавсия ёки кўрсатма кутишми?

— Эски, ўзини оқламаган усул билан бугун иш юритиб бўлмайди, - дейди куюниб Тошкент тепловоз-вагон таъмирлаш заводининг бригада етакчиси Ғ.Усмонов. - Масалан, бир неча йил бурун ишчилар у ёки бу даражадаги жароҳатни меҳнат муҳофазаси бўйича ўтилган мавзуни яхши тушунмаганликлари оқибатида олишган. Энди ҳозир давр бошқа-ку! Ўзбек ишчилари учун бундай ўқувларни ўзбек тилида ташкил этиш мумкин-ку! Аммо ҳанузгача машғулотлар асосан рус тилида ўтилаётгани, хавфсизлик техникаси қоидалари қўлланмалари шу тилда чиқарилаётгани мени ажаблантиради.

Ишдаги шикастланишларнинг сабабларидан бири мана нимада?!

Ўзбекистонда Давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилинганига 12 йил, республикамиз мустақилликка эришганига 10 йил тўляпти-ю, баъзи мутасаддилар ишларни давлат тилида юритишга шошилишмаяпти.

Ҳозир ҳам кўплаб темир йўл корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси бўйича чиқарилган ҳужжатлардан, алмисоқдан қолган кўргазмали қуроллардан бошқа ҳеч вақо йўқ. Ишчи улар билан расмиятчилик учун таништирилади-да, имзо чектирилади. Шу билан у хавфсизлик техникаси қоидаларини ўрганган ҳисобланади. Қоғоз тўлдириб, қўл қўйдириш билан ўша «ишига пухта» муҳандислар наҳотки вазифамни бажардим, деб ўйлашса.

Иш бор жойда камчилик бўлади. Бироқ, бу камчиликлар инсон ҳаётига, саломатлигига хавф туғдирмаслиги даркор. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб касаба уюшмалари темир йўл хизмати бошлиқлари билан ҳамкорликда жамоа шартномаларида меҳнат шароитларини яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларни тўла-тўкис бажарилишини таъминлаши керак. Шундагина ишда шикастланишларнинг олди олинади.

Р.МУҲАМЕДОВ.

«Стиль» ўқув-ишлаб чиқариш кичик корхонаси Бухоро шаҳрида кўплаб ўз мижозларига эга. Бу ерда тайёрланаётган замонавий аёллар либослари бежиримлиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Шу сабаб буюртмачилар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Суратда: тикув цехи бошлиғи Нигора Ғафурова ва тикувчи Зилола Аҳмедова.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ПЕНСИЯГА ЧИҚИШ

Саволларингизга ЎзКУФК меҳнат ҳуқуқи нозири Насиба ТИЛЛАХЎЖАЕВА жавоб беради

САВОЛ: Мен педагогика билим юртида директор ўринбосари лавозимида ишлаш билан бирга, математика фанидан дарс ҳам бераман. Шундай экан, имтиёзли равишда пенсияга чиқиш ҳуқуқидан фойдалана оламанми ёки йўқми? Шу ҳақда тушунча беришингизни сўрайман.

Б.ХУДОЁРОВ, Шаҳрисабз шаҳри.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 3-рўйхат 7-қисмининг 3-бандига асосан, билим юртларининг педагоглари ва ўқитувчилари талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Директор ўринбосарлари лавозимида ишлаб туриб, бир вақтнинг ўзида тўла ҳажмда ўқитувчилик қилиб, талабаларга дарс берган тақдирда, улар ҳам имтиёзли равишда пенсияга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

САВОЛ: Болам 2 ёшга тўлмасдан 2-фарзандим туғилди. Унга ҳам нафақа қўшиб тўланадими ёки тўланмайдими?

Б.АБДУЛЛАЕВА, Қибрай тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк томонидан тасдиқланиб, 1998 йил 9 апрелда Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган «Давлат ижтимоий суғуртаси маблағи ҳисобидан нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан бола 2 ёшга тўлгунга қадар оналарга бериладиган нафақалар, болалар сонидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 150 фоизи миқдорида тўланади, ҳозирги кунда бу 3675 сўмни ташкил этади.

Башарти туғилган боласи 2 ёшга тўлмай туриб кейингиси туғилса, у ҳолда нафақа аввалги боласи 2 ёшга тўлгунга қадар тўланиб, кейинги боласи 2 ёшга тўлгунча давом эттирилади, ҳар иккала болага алоҳида-алоҳида тўланмайди.

Эгизак болалар туғилган тақдирда ҳам фақат битта нафақа тайинланади.

Мазкур нафақалар ишловчи аёлларга ишхонаси томонидан, ишламайдиган аёллар учун эса ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан тўланади.

Бир йўла бериладиган суюнчи пуллари ҳам юқорида кўрсатилган тартибда тўланади, унинг миқдори энг кам иш ҳақининг 2 бараварига тенг бўлади.

САВОЛ: Бола туғиш ва боқиш таътили даврида яна ҳомиладор бўлса, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланадими?

Барно ҲАМРОЕВА, Тўрткўл тумани.

ЖАВОБ: Юқорида қайд этиб ўтилган «Давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 42-бандига асосан аёл болани парваришлаш учун берилган таътил даврида ҳомиладор бўлса, у ҳолда ҳомиладорлик ва туғиш учун берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосан мазкур вақт учун нафақа тўланади. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тариф ставкаси ва 12 ой мобайнида олган мукофот пулларини қўшиб ҳисоблаганда ўртача ойлик ҳисобидан давлат ижтимоий суғурта ҳисобидан тўланади. Тариф ставкаси аёлга ҳомиладорлик ва туғиш варақаси берилган кунга нисбатан олинади.

Юқоридагиларга кўра, мактаб маъмурияти ғайриқонуний тарзда 2-болангизга ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлашдан бош тортган. Сиз нафақани тўла олишга ҳақлисиз.

ЭНГ ЯХШИ ШИЙПОН

Қўрғонтепа туманидаги «Қорасув» ширкат хўжалиги раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитасининг қарорига кўра, Оналар ва болалар йилида бу ерда меҳнат қилаётган хотин-қизлар имтиёзли нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланади. Шунингдек, хўжаликда ишловчи аёллар фарзандлари болалар боғчасида тарбияланиши учун ҳақ тўлашдан озод этилди.

Хўжалик раҳбари М.Исмоиловнинг ташаббусига кўра энг яхши дала шийпони учун танлов эълон қилинди. Танлов Наврўз байрамида якунланади ва ғолиблар совринлар билан тақдирланади.

КИРИМГА ЯРАША ЧИҚИМ

Республикамизнинг барча ҳудудларида сув ҳавзалари чегаралари ва майдонини аниқлаш ишлари ниҳоясига етди. Жами 30 та катта ва кичик дарё, 52 та сув омбори, 79 та йирик сой, 2216 та канал, 3316 та зовур ҳисобга олинди.

Ўтган йилги сув тақчиллиги сув сарфини ҳисобга олиш зарурати ни юзага келтиради: зеро, чиқим киримга яраша бўлиши лозим. Республикада биоэкологик барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида 101,5 минг гектар қирғоқ бўйидаги ерлар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли сув хўжалиги ташкилотлари ихтиёрига топширилди. Шунингдек, Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига қўшимча равишда 319 гектар ер ажратилди. Ўтган йили ўрмончиларимиз қирғоқ бўйидаги жаъми 85 минг 96 гектар ерга дарахт кўчатлари ўтказди.

МУЗРАБОТ БОҒ БЎЛАДИ

Бу йил музработликлар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ҳар йилгидан кўра фаолроқ киришганлар. Қимирлаган жон борки, кўчат экиш ишлари билан банд.

Туман ҳокимининг ўринбосари Баҳром Сатторов шундай дейди:

— Киши бошига икки донадан кўчат экишга аҳд қилганмиз. Туманимизда эса қарийб юз минг нафар аҳоли яшайди. Демак икки юз минг дона кўчат экадиган бўлсак, эртага Музработ яшилликка бурканади.

Дарҳақиқат, шундай. Ерга чўп қадаган одам борки, ҳеч қачон ютқазмайди. Туман ҳокими Рамазон Худойбердиевнинг гапига қараганда, Деновдан ўн минг туп хурмо кўчати келтирилиб, хўжаликларга, маҳаллаларга тарқатилибди. Бу яна уч йилдан сўнг, боринг-ки, тўрт йилдан сўнг музработликларнинг еганлари хурмо бўлади, деганидир.

«ҲАМКОРБАНК»ДАН МАДАД ОЛИБ

Балиқчи туманида шарқона усулда безатилган савдо ва ишлаб чиқариш мажмуи ишга туширилди. «Наврўз» хусусий фирмаси тадбиркорлари саъй-ҳаракати билан барпо этилган бу мажмуада эндиликда тикувчилик цехи, телерадиоаппаратуралар созлаш ва тузатиш устахонаси, сартарошхона, ошхона фаолият кўрсатмоқда.

— Бу ишларни амалга оширишда бизга «Ҳамкорбанк» яқиндан мададкор бўлди, — дейди фирма раҳбари Қодиржон Дунаев, — савдо ишлаб чиқариш ва маиший хизмат яратиш учун мазкур банкнинг Чинобод бўлимидан 5 миллион сўм қисқа муддатли имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдик ва бу маблағларни ўринли сарфладик.

— «Наврўз» фирмаси биздан олган маблағлари эвазига 35 та янги ишчи ўринлари очган, — дейди «Ҳамкорбанк»нинг Чинобод филиали бошқарувчиси Ойбек Мирзаахмедов, — биз асосан деҳқончилик, чорвачилик, паррандачиликни ривожлантиришни ва сабзавот етиштиришни режалаштирган, бу борада қилинадиган ишларни аниқ белгилаган тадбиркорларга кредит бермоқдамиз. Ўтган йили ана шу мақсадларда бизга мурожаат қилган маҳаллий тадбиркорларга 8 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ берилди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада ошиши кутилмоқда.

ТАСОДИФЛАРГА ТАЙЁР ТУРАЙЛИК

Ҳаёт тасодифларга тўла. Фавқулодда вазиятлар сони йилдан-йилга ошиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу масала янада ойдинлашади. Жумладан, республикамиз ҳам баъзи офатлардан мустасно эмас. Аммо, ўз вақтида олиб борилган тайёргарликлар, ўқув тактик машғулотларнинг сифати яхшиланганибоис, юз берган табиий офатларда кўнгилсиз ҳодисалар олдинги йилларга нисбатан анча кам бўлди. Яъни, фавқулодда вазиятлар 1998 йилга қараганда 3,4 фоизга камайган бўлса, 1999 йилга нисбатан 32,3 фоизга қисқарди. Инсон ҳалокати билан боғлиқ бўлган катта йўқотишлар рўй бергани йўқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аксарият фавқулодда вазиятлар бевосита иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ бўлади. Ўтган йили айрим давлатларда ёғингарчилик меъёридан ошган бўлса, Осиё давлатларида, шунингдек, республикамизда ҳам қурғоқчилик ҳукм сурди. Иқтисодий зарар ҳам бироз кўпайди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида рўй берган қурғоқчилик натижасида сув етишмовчилиги яққол кўзга ташланди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қуйи тизимларида иш олиб бораётган ходимлар тоғли ҳудудлар аҳолиси осойишталигини таъминлаш, хавфли жойлардан одамларнинг ўтишига йўл қўймаслик мақсадида кеча-ю кундуз навбатчиликни йўлга қўйдилар. Яна эътиборли жиҳати шундаки, ҳар бир кузатув пости транспорт ва тезкор алоқа воситалари билан таъминланган бўлиб, посбонлар ҳар куни вазирлик навбатчилик қисмига жойлардаги вазият тўғрисида хабар етказиш имконига эга бўлишди.

Пойтахт қутқарув хизмати ходимлари салкам икки йиллик фаолиятлари давомида Тошкент шаҳридаги мингдан зиёд фавқулодда ҳолатларни бартараф этдилар, 125 кишини ўлимдан сақлаб қолдилар. Республика бўйича эса қутқарувчилар беш йил мобайнида халоскорлик ёрдамини кўрсатдилар. Натижада 1200 киши ҳаётга қайтарилди.

Ўтган йиллар мобайнида вазирлигимиз қошидаги «Халоскор» тезкор ҳаракат, пойтахтнинг қоқ марказида «Қутқарувчи» қидирув-қутқарув қисмлари янгидан қурилиб ишга туширилди. Вазирликнинг вилоятлардаги бошқармаларида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Самарқанд ва Жиззах вилоятларида янги «Қутқарув хизмати» фаолият кўрсата бошлади. Қолган вилоятлар ҳам бундай янги хизмат турини ташкил этиш арафасида туришибди.



Энг муҳим ишлардан бири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» (1999 йил), «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» (2000 йил)ги қонунларнинг қабул қилиниши ва «Фуқаро муҳофазаси» — «Гражданская защита» журналининг чоп этилишидир. Республика телестудияси томонидан «Ўзбекистон нажоткори» ҳужжатли фильми тайёрланди. Маънавият ва маърифат ишларига эътибор кучайтирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили» тўғрисидаги қонунини бажариш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилди.

Аҳолини ва ҳудудларни турли офатлардан ҳимоя қилиш борасида Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Бошгидромет, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Миллий кенгаши, Давлат геология, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари билан олиб борган ишларимиз айниқса таҳсинга лойиқдир.

АҚШ, Германия, Франция, Россия ва бошқа етакчи давлатлар билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш борасида олиб борилган ҳамкорлик алоқалари ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ўтган йилнинг ёзида вазирлик мутахассислари Қирғизистоннинг Мойлисой ҳамда Андижон вилоятининг Пахтаобод туманларида ўқув машғулотлари ўтказдилар. Муқаддам Ўзбекистон Республикаси ҳамда Америка давлат департаменти билан биргаликда терроризмга қарши бир ҳафталик семинар ўтказилган бўлса, жорий йилда эса Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик ва бундай ҳолларда бошқарув соҳасига Ўзбекистон-Америка муносабатлари бўйича қўшма баёнот, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилиш борасида Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлигининг иш режаси, шунингдек, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш ҳамда бошқаруви борасида икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлик бўйича протоколи имзоланди.

Маълумки, янги асрнинг дастлабки йили «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди. Бу шубҳасиз, вазирлигимиз зиммасига ҳам юксак масъулият юклайди. 2001 йилда ҳам фуқаролар муҳофазаси йўлида амалга оширилиши керак бўлган хайрли ва савоб ишларимизни давом эттиришимиз, уни янада такомиллаштириш олдимизда турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир.

Бахтиёр ОТАМИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги кадрлар ва шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник, Азамат СУЮНОВ, матбуот хизмати раҳбари.

Назм бўстонида

НИЯЯТ

Тарихингга баъзан ташлайман назар,
Улуғсан, буюксан қадим ўзбегим.
Аллома элдирсан, доно нақадар,
Дастурхонинг тўла нону туз, бегим.

Оққан дарё оқар, билмайман қанча,
Йиллар ўтаверар, буюксан, буюк.
Олға бормоқдасан қучоқ очганча,
Кўҳна бу дунёда суюксан, суюк.

Дўстлик ришталари бунда мустаҳкам,
Меҳмондан аяш йўқ бир бурда нонни.
Бир майиз топсак ҳам ўртада баҳам —
Шундай билур жаҳон Ўзбекистонни.

Донолар айтгандек ниятлар бутун,
Нурли келажакдан бермоқда дарак.
Бизлар тиклаётган пойдевор бугун
Эртанги қасрга хизмат қилажак.

ТАБИАТ ИНЪОМИ

Борлиққа поёнсиз тўшалган кўклам,
Наъматак гулидан таралур атир.
Гўё келинчакдек сеп ёзар ўлкам,
Табиат инъоми — ялпизли патир.

Қошлар қалдирғочга қанот бўлдилар,
Қуёш оташида пишди ширмой нон.
Ҳур қизлар жилмайиб хандон кулдилар,
Гўё эртак бўлди жумлаи жаҳон.

Дарахтнинг шохига осиб арғумчоқ,
Учишар баҳорнинг зебо қизлари.
Келинга келтиринг бу кун беланчак...
Қандай тароватли баҳор кезлари.

Ғулом ПРИМОВ.

Самарқанд аэропортининг имкониятлари кундан-кунга кенгайиб боряпти. Наврўз байрами арафасида бу ерда бир қатор халқаро йўналишлар бўйича янги қатновлар очилади.

САМАРҚАНДГА КЕЛУВЧИЛАР КЎПАЯДИ

Ҳар ойда 1 марта Самарқанд-Тель-Авив, ҳафтасига 2 марта Самарқанд-Москва, ҳафтасига 1 марта Фарғона-Самарқанд-Қозон йўналишлари бўйича қатновнинг йўлга қўйилиши йўловчиларга катта қулайлик яратади.

Энг асосийси, сайёҳлик ҳудудига айлантирилиши кўзда тутилган Самарқандда бундай янги-янги қатновларнинг йўлга қўйилиши қадим ва тобора замонавий қиёфа касб этиб бораётган шаҳарга бутун дунёдан интилувчилар янада кўпайишига замин бўлади.

(ЎзА)

«ОФАРИН»НИНГ ЯНГИ совриндорлари

Пойтахтимизнинг муҳташам «Халқлар дўстлиги» саройида бўлиб ўтган йилнинг энг яхши ижодкорлари «Офарин» республика танлови ғолибларини тантанали равишда тақдирлаш маросими бу гал ҳам ўзига хос байрам тусини олди. Кошонага йиғилган санъат шайдолари Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур нуфузли танлов номзодлари ва ғолибларини чин кўнгилдан олқишлар экан, ўлкамизда ижод аҳлининг ана шундай улкан эътирофга сазовор бўлиши ғоят қувончли ҳодиса эканини, ижодкор ақл-заковати билан яратилаётган адабиёт, санъат, ранг-тасвир, мусиқа соҳасидаги нодир асарлар муносиб қадрланаётганини таъкидладилар.

«Шу азиз Ватанни, азиз халқимизни, мусаффо осмонимиз ва саховатли заминимизни ҳар қанча улуғласак, ҳар қанча куйласак оз!» шиори остида иккинчи бор ўтказилаётган мазкур танлов шу боисдан ҳам кўпчиликка қувонч бағишламоқда.

Тантанада йилнинг энг яхши ёзувчиси, шоири, драматурги, киноактёри, театр актёри, хонандаси, созандаси, рассоми, журналисти, хуллас, энг яхши ижодкорлари номи эълон қилинганида залда гулдурос қарсаклар янгради.

Таниқли адиблар, машҳур спортчилар, санъатимизнинг юксак намояндалари ана шундай гулдурос қарсаклар остида ғолибларга ҳумо қуши тимсоли - «Офарин» мукофотини топширдилар. Бошқача айтганда, афсонавий бахт қуши юртимиз ижодкорларидан яна йигирма бир нафарининг бошига «қўнди». Мукофотланганлар Ватанимизда ижод аҳли учун улкан имкониятлар яратиб берилгани учун Юртбошимизга, халқимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Тантана таниқли санъат усталари ҳамда ёш хонандалар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, жозибали рақслар билан янада файзли ва марокли ўтди.

(ЎзА)

Муҳаммад АМИН олган суратлар.

ИЖОД АҲЛИ ЭЪЗОЗИ

Мана, икки йилдирки, мамлакатимизда «Офарин» йилнинг энг яхши ижодкори Республика танлови бўлиб ўтмоқда. Ушбу танлов чин маънода ижодкорлар байрамига айланди.

Куни кеча Халқлар дўстлиги саройида «Офарин — 2001» танлови ғолиблари аниқланди.

Биз баъзи танлов ғолиблари билан мулоқотда бўлдик.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД — «Адабиёт ва журналистика» йўналиши бўйича «Йилнинг энг яхши ёзувчиси» номинацияси ғолиби:

— Республикамизда анъанавий тус олган «Офарин» ижодкорлар танлови Президентимизнинг, халқимизнинг ижодкорларга бўлган ишончи ифодасидир. Бугунги хурсандчиликлар, табриклар барчаси мана шу ишончдандир. Биз бу ишончни оқлашга ҳаракат қилдик холос. Лекин, хали тўла оқладик дея олмайман. Чунки, Президентимиз ва халқ олдидаги бурч ва масъулиятимиз чексиздир. Бу йўлда ҳали кўп ишламоғимиз, қалб қўримиз, меҳримиз, юрагимизни бахш этган ҳолда ижод қилмоғимиз даркор.

Иброҳим РАҲИМ — «Йилнинг энг яхши журналисти» номинацияси ғолиби:

— Мен уч тузумни кўрдим — чоризм даврида туғилиб, шўролар даврида вояга етдим, не бахтки, Мустақилликни кўриш насиб этиб, истиқлол йилларида яна қайтадан ёшариб турибман. Шу маънода бундай ёруғ ва озод кунга етказганига шукроналар айтаман. Чунки, ҳаётимнинг энг ёрқин ва бахтли дамлари Ватанимнинг ўз эркини қўлга киритган йиллар деб биламан. Бугун кўкракни кериб, ғурурланиб, фахрланиб яшайдиган замон келди.

Ижодкорларини қадрлаётган, ғамхўрлик кўрсатаётган юрт ҳеч қачон кам бўлмайди. Бундай Ватаннинг тинчлиги боқий бўлсин! Бу хайрли ташаббусларнинг бошида турган Президентимизнинг умрлари зиёда бўлиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларида камарбаста бўлиш бизга ҳам узоқ йиллар насиб этсин.

Шуҳрат МУТАЛОВ — «Кино ва телевидение санъати» йўналиши бўйича «Йилнинг энг яхши телеоператори» номинацияси ғолиби:

— Мен бундай мукофот билан тақдирланганимдан жуда ҳаяжондаман. Менинг шу даражага етишимда меҳнатлари сингган ота-онам, устозларим кўз ўнгимдан ўтмоқдалар. Уларга бошим ерга теккунча таъзим қиламан. Қолаверса, ушбу мукофот Президентимиз томонидан Ёшлар телеканалига, у ерда меҳнат қилаётган касбдошларимга, ишонч, ёшларга бўлган ғамхўрлик деб биламан.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

Қизлар маънавиятимиз гулғунчалари. Уларни замонга мос зукко, билимдон қилиб тарбиялаш, оила қуришга тайёрлаш муҳим вазифадир.

«НАФОСАТ»ГА ИНТИЛИБ

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги Аброр Ҳидоятов номли маҳалла қўмитаси ҳамда 106-мактаб жамоаси ҳамкорлигида «Оналар ва болалар» йилига бағишлаб ўтказилган «Нафосат» кўрик-танлови худди ана шу мавзуга бағишланди. Унда мактабнинг 9-синфларида таълим олаётган қизлар чеварлик, пазандалик, зукколик ва чаққонлик борасида ўзаро беллашдилар.

Қизларнинг чиқишларини ҳайъат аъзолари — маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Раъно Дадахўжаева, маҳалла котибаси Муҳаррам Боймуҳамедова, ўн фарзанднинг онаси Насиба Носирова, фаоллардан Флора Расулова, 61 йилдан бери муаллимлик касбида меҳнат қилаётган Шарифа Саидқосимовалар баҳолаб бордилар.

— Танлов жараёнида қизларимизнинг уй-рўзғор тутишлари, мазали пишириқ ва таомлар тайёрлашлари ўзига хос синовдан ўтди, - дейди мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Фарида Ғуломова. — Бу уларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйишларида, оилага тайёрлаш ва меҳридарё онажонларимиз изидан боришларида катта сабоқ бўлиши шубҳасиздир.

Чаққонлигу зукколиклари билан 9-«В» синф қизлари танловда ғолиб бўлдилар.

М.ДАВРОНОВА.

Сўз тагида сўз бор

БИЛЕТ

Бу оддийгина сўзнинг келиб чиқиш жиҳатидан бир неча «қариндош»лари бор. Чунончи, Қадимги Рим папасининг фармони «булла», инглиз парламенти муҳокамасига қўйиладиган қонун лойиҳаси «билль» деб юритилган.

Эски итальян тилидаги «булетта» сўзи справка, хат маънолорини билдирган. Ҳозир биздаги «билет» сўзи эса поляк ёки немис тилидан рус тилига, ундан ўзбек тилига ўтган.

ҒАЗАЛХОН ЁШЛИГИМ

Мана орадан беш ярим асрдан зиёд вақт ўтибдики, буюк бобомиз Алишер Навоий шеърият мулкининг султони дея эътироф этиб келинмоқда. Унинг бебаҳо асарларини ўрганиш, талқин ва таҳлил қилиш дунё тургунича давом этади, десак муболаға бўлмайди.

Бу йил ул буюк зот таваллудининг 560 йиллик юбилейи ҳукумат даражасида, республикамиз бўйлаб кенг нишонланади. Шаҳар мактабларида Ғазалхонлик ойлиги эълон қилинди. Улуғ тўйга бағишлаб ҳар бир синфда тарбиявий соатлар, эрталиклар мактаб миқёсида эса «Ғазалхон ёшлигим» кўрик-танлови ўтказилди.

Пойтахтимизнинг 153-мактабида бўлиб ўтган шундай кўрик-танловда 4-«а» синф ўқувчиси Зилола Мамашева ва юқори синфлар ўртасида Муножат Исматуллаевалар 1-ўринни эгалладилар. Улар сўнг туман мактаблари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда иштирок этдилар.

Ўзининг зукко, билимдонлиги ва ифодали ўқиш санъати билан ҳаммани лол қолдирган Муножат туман миқёсидаги ҳамда туманлараро ўтказилган танловда ҳам ғолиб, деб топилди. Ниҳоят, шаҳар бўйича ўтган ушбу тадбирда Баҳру байт йўналиши бўйича иштирок этган Муножат ўзига тенг келадигани йўқлигини исботлади ва ғолиб деб топилди.

Ажаб эмас, адабиёт, шеъриятга меҳр қўйган ана шундай авлодлари борлигидан бобокалонимизнинг пок руҳлари яна бир бор шод бўлган бўлса.

Суратда: Муножат Исматуллаева (ўртада) устозлари ва дўстлари даврасида.

И. ҲАСАНОВ олган сурат.

КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЙЎЛЛАНМА

Узун туманидаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернатида 215 нафар иқтидорли ёшлар таҳсил олишади. Уларга ўттизга яқин тажрибали ўқитувчи ва мураббийлар таълим бермоқда.

— Мактаб-интернатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида талайгина ишлар амалга оширилди, — дейди директор Мавлон Раҳимов. — Таъкидлашим лозимки, ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятига қараб спорт секциялари, тикиш ва тўқиш, халқ амалий санъати ва фан тўгараклари ташкил этилган.

Ана шу интилишлар натижаси ўлароқ мактаб-интернат ўқувчилари республика миқёсидаги олимпиада ва кўрик-танловлар ғолиби бўлишмоқда, жумладан ўқувчилардан Искандар Нуруллаев ҳамда Хисрав Раҳмоновлар республика бўйича фан олимпиадасига қатнашиб, совринли ўринларни олиб қайтишди.

Мактаб-интернатда «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» шиори остида «Олимпиада умидлари» спорт мусобақаларининг 7-тури бўйича ҳам яхши натижаларни қўлга киритиб, вилоят бўйича бўладиган кейинги босқичларга йўлланма олишди.

Олий тоифадаги ўқитувчилардан Ашурмамат Қодиров, Мунаввар Муртазаева, Ислом Раҳматов, Нодира Гулова ҳар бир шогирдини истиқлолга хизмат қиладиган ҳақиқий ватанпарварлар қилиб тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири.

Футбол

БИР ЙЎЛА УЧ ПЕШҚАДАМ

Тўп думалоқ, майдон текис, деганларича бор. «Академия»нинг биринчи турдаги йирик ғалабаси мухлисларда катта қизиқиш уйғотган, шу боисдан бўлса керак, биринчи учрашувни «Трактор»га 1:5 ҳисобида бой берган «Самарқанд-Динамо» кўпда қаршилик кўрсатолмайдигандек туюлганди. Йўқ, акси бўлди. Тажрибали ҳужумчи Муҳсин Муҳаммадиевнинг икки голига олий лига дебютантлари битта тўп билан жавоб қайтара олдилар холос.

Иккинчи турнинг қолган ўйинлари қуйидагича якунланди: «Металлург» - «Сурхон» -2:1, «Дўстлик» - «Қизилқум» - 1:0, «Кимёгар» - «Бухоро» - 0:1, «Зарафшон» - «Андижон» - 5:1, «Турон» - «Нефтчи» - 0:2, «Трактор» - «Сўғдиёна» - 2:0.

Иккинчи турдан кейинги вазият

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Трактор»	2	2	0	0	7-1	6
2.«Насаф»	2	2	0	0	3-0	6
3.«Дўстлик»	2	2	0	0	4-1	6
4.«Зарафшон»	2	1	1	0	6-2	4
5.«Нефтчи»	2	1	1	0	3-1	4
6.«Академия»	2	1	0	1	5-2	3
7.«Пахтакор»	2	1	0	1	5-2	3
8.«Навбаҳор»	1	1	0	0	2-0	3
9.«Металлург»	2	1	0	1	2-2	3
10.«Қизилқум»	2	1	0	1	1-1	3
11.«Турон»	2	1	0	1	2-3	3
12.«Бухоро»	2	1	0	1	2-3	3
13.«Самарқанд-Д»	2	1	0	1	3-6	3
14.«Семург»	1	0	0	1	0-2	0
15.«Кимёгар»	2	0	0	2	0-2	0
16.«Андижон»	2	0	0	2	2-7	0
17.«Сўғдиёна»	2	0	0	2	0-6	0
18.«Сурхон»	2	0	0	2	1-7	0

Ибрат

Марғилон шаҳридаги Абу Райҳон Беруний номидаги марказий кутубхона ходимлари ҳам бугунги кун руҳи билан меҳнат қиляптилар. Кутубхона замон талабидаги янги адабиётлар билан бойитилган. Ҳозирда 25 минг 400 та бадиий, сиёсий, техник, тиббиётга оид адабиётларга эга. Китобхонлар сони ҳозирда 2600 нафарга етди.

МАҲАЛЛАДА КЎЧМА КУТУБХОНА

— Оналар ва болалар йили муносабати билан оилавий китобхонлар сонини ошириш ниятидамиз. Бунинг учун аввало кўчма кутубхоналарни кўпайтирганмиз, — дейди биз билан суҳбатда кутубхона мудири Иномжон Сотқинов. — Ҳозирда шаҳар маданият уйида «Шолдирма», «Ўрдатаги», «Алишер Навоий», «Ёрқин», «Ёйилма» маҳаллаларида, мактабларда шартнома асосида кўчма кутубхоналар ишлаб турибди.

Дарвоқе, кези келганда шаҳар, вилоят, республика газета ва журналларига 250000 сўмлик обуна бўлишга эришилганини таъкидлаш жоиз. Кутубхона эса янги мебеллар билан жиҳозланди. Замирахон Мирзаева, Ўғилой Собирова, Мавлудахон Қосимова каби ходимлар ўзларининг беминнат хизматлари билан китобхонлар ҳурматини қозонишяпти.

Кутубхонада «Тарихимизни биласизми?», «Оила бахти нимада?», «Мустақил юрт фарзандларимиз» каби мавзуларда суҳбатлар, адабий, илмий-назарий анжуманлар ўтказиш анъана тусини олган.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг асарлари асосида «Истиқлол мафкураси — тараққиёт омили», «Миллий мафкура — жамият пойдевори», «2001 йил — Оналар ва болалар йили», «Буюк олим ва мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ижод гулшани», «Фарзанд ниҳол, отаона боғбон» каби мавзуларда, шунингдек, Бурҳониддин ал-Марғиноний бобомизга бағишлаб китоб кўргазмалари ташкил қилинди.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ, «Ишонч» мухбири.

«Ал Машриқ ва-л Мағриб Юнион-Ўзбекистон» К шўъба корхонаси 1996 йил 12 ноябрда ўз номига берилган К:2144271955 сонли ер кадастори йўқолганини маълум қилади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6